

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 12 октябрь
сешанба
№ 41 (1297)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

ХАРИД ЧЕКИНИ ОЛГАН
ФУҚАРОЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ 3-БЕТ

ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ
БОШЛИГИ ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ 7-БЕТ

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ:
ТИТРОҚЛИ САВОЛЛАР ГИРДОБИ... 8-БЕТ

Обуна – 2022

БИЗ “ИНСОН ВА ҚОНУН” ГАЗЕТАСИ БИЛАН БИРГАМИЗ!



Бу йилги обуна мавсумида ҳам бизни қўллаб-қувватлаётган Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Нотариал палата, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Юристар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик университети каби ҳамкорларимизга миннатдорчилик билдираимиз.



Халқаро конференция


ЎЗБЕКИСТОН: БЕШ ЙИЛЛИК ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР



"ТАРАҚҚИЁТ стратегияси" маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида "Ўзбекистон: беш йиллик жадал ислоҳотлар" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

4-5 БЕТЛАР

ЁШ САЙЛОВЧИЛАР НИМАЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК?



ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТ НИМА?

Ёш авлод вакилларининг, айниқса, қишлоқ ёшларининг билим олиши, илм-фанга эътиборини кучайтириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун янада кенг шароит яратиш доимий эътибор талаб қиладиган устувор вазифалардан биридир.

Ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли ва мунтазам амалга ошириш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги, ёшларни илм-фанга кенг жалб қилишга қаратилган Ёшлар академияси тузилди. 830 дан ортиқ ўғил-қизлар манфаатларини ҳимоя қиладиган нодавлат ношароит ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Ёшларга қаратилган давлат сиёсатини узлуксиз, самарали ҳамда замон талабларига уйғун тарзда амалга ошириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, жамият ҳаётининг турли соҳаларида яратилаётган шароитлар, ўз салоҳиятини юзага чиқариши ва ҳаётда ўз ўрнини топишга қаратилган, хусусан, имкон қадар кўп ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, иқтидорли ёш мутахассисларнинг нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда билим олиши, ижтимоий муҳофазага муҳтож ёшларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби қатор тадбирлар белгиланган.

Ёшларнинг бандлигига қўмаклашиш ва иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод ҳаётига кадрларини шакллантиришга, уларни илм-фанга кенг жалб қилиш, иқтидорли ёшларнинг гоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар “Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури”дан ҳам ўрин олди.

Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириш бўйича тизимли ишларнинг олиб борилиши улар-

нинг сайловларда фаол иштирок этишига туртки бўлади, ўзлари учун муносиб тавловни амалга оширишда ёрдам беради. Сайлов институтлари, оммавий ахборот воситалари томонидан шакллантирилиб бориладиган электорал маданият жамият маданиятининг ажралмас бўлагидир. Ёшларнинг сиёсий онгини ривожлантириш, сайлов бўйича барқарор билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган тадбирларда ноанъанавий, янги услубларни қўллаш, ёшларнинг эътиборини жалб қила оладиган шакллардан фойдаланиш, инновацион ёндашувлар асосида олиб бориш юқори самара беради.

Шу жиҳатларни инобатга олган Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ўқувчи ва талабаларнинг сайлов савоҳдонлигини ошириш бўйича тадбирларни ўз ичига олган.

Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим кўрсаткичи, сиёсий-ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш жараёнидир. Сайловда иштирок этиш сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқароннинг конституциявий ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш орқали давлат ва жамият ишларида сиёсий масъулиятни намоён қилувчи муҳим воқеадир.

Ёшлар ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи, ҳаётта янги йўналишларни ва технологияларни киритувчи кучдир. Ўзбекистон Марказий Осие давлатлари орасидаги ёш аҳоли сони кўрсаткичи, ўртача 27,6 ёш билан олдинги ўринда туради. 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини, шулардан сайлов ҳуқуқига эгалари 33 фоизни ташкил этади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи эътироф этилган. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қанқатланган.

соҳани янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлашда кўл келади.

Юртимизда сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали очик ва ошқора ўтказилади. Яъни, ҳар бир овоз инобатга олинади ҳамда ҳар бир сайловчи давлат ҳокимиятининг сайлаш орқали шаклланишига ўз хиссасини қўшади.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўз саккиз ёшга тўлган фуқаролар сайловчилар рўйхати киритилади. 18 ёшга тўлган ёшлар жинси, ирки ва миллий мансублиги, тили, динига муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқиси, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар сайлаш ҳуқуқига эгадир.

37 давлатда 54 та участка сайлов комиссияси тузилди.

Чет давлатларда яшаб турган ёшларимиз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан қамада ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида электрон шаклда мурожаат қилиш имконини берувчи интерактив хизмат яратилди.

САЙЛОВГА БОҒЛИҚ ЯНГИЛИКЛАР

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча жараёнлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг сайловдаги платформа ҳамда дастурларида белгиланган долзарб соҳалар ҳақида ўз вақтида бохабар бўлишлари, уларнинг оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиб бориши ёш сайловчиларга ўзларининг ва Ватан келажаги учун муҳим қарорни қабул қилишга шароит яратяди.

Сайловчиларни бу каби маълумотлардан тежор равишда хабардор қилиш учун saylov.uz сайти янгиланди. Шунингдек, “saylov2021.uz” портали, “saylov2021” мобил иловаси ишга туширилди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш тартиби белгиланган. Унга қўра, сайлов комиссиялари, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд шикоятни 3 кун ичида, агар шикоят орти қулдан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқяди.

Эътиборли томон, суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризагача тоширилади. Бундай суд қарори дарҳол ижро этилиши белгиланган.

Ёшларнинг сайлов жараёни-ларида нафақат сайловчи, балки номзод ёки сайлов институтлари иштирокчиси сифатида қатнашиши уларнинг сиёсий қарарларини шакллантиришга имкон беради. Ёшлар сайлов жараёнида ўзаро фикр алмашиб, тажриба ортириб, уни келгуси фаолиятида қўллаиди.

Қамола АРСЛОНОВА,
Халмуҳаммед ПАЛУАНИЙЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
Котибят ходимлари

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?



Сайлов қонунчилигида овоз бериш кунини турли сабабларга қўра янаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун овоз бериш тартиби белгиланган.

Сайловчи сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаса, муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунинида бўла олмаслигининг сабаблари кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади ва уни махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиряди.

Айрим сайловчилар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга қўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Шунингдек, дунёнинг турли давлатларида бўлиб турган ватандошлар, шу жумладан, ёшларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ҳам эътибордан четда қолмаган.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи

Ёшларнинг давлат ва жамият ишларига кенг жалб қилинишига хизмат қилувчи асослардан бири 21 ёшга тўлган йигит-қизлар маҳаллий кенгашларга, 25 ёшдан эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиш ҳамда Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлиши ҳуқуқи берилганидир. 2019 йил миллий парламентга бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига 30 ёшгача бўлган 14 нафар ёш номзод кўрсатилган бўлса, уларнинг 9 нафари ёки 64,2 фоизи депутат этиб сайланди.

Ёшларни сайлов комиссиялари таркибида фаолият юритишга жалб этиш ҳам юксак самарали воситалардандир. Буни 2019 йилда Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 144 нафарини (8,9 фоиз) ҳамда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 20 минг 394 нафарини (18,4 фоиз) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этганидан ҳам билиш мумкин.

Жорий йилда бўладиган Ўзбе-

кстон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибида 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар 9 фоизни, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг эса 17,3 фоизини ёшлар ташкил этади.

Бу — мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратин боради кўрсатилаётган доимий эътибор ва гам-ўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ёшларнинг сайлов институти — сайловларни кузатишдаги фаолияти уларнинг давлат сиёсий ҳаётида иштирок этишининг бир кўринишидир. 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайлов кунини овоз бериш ва овозларини санаб чиқиш жараёнида кўра овоз бериш ҳуқуқларини кузатиш ҳуқуқига эга. Бундай тажриба сайловга тайёргарлик ишларининг сифати, сайлов комиссиялари ҳаракатларининг кетма-кетлиги, сайлов иштирокчилари ҳуқуқларининг таъминлигини билан шахсан танишиб, келгусида бу



ЁШЛАРНИНГ САЙЛОВДАГИ ИШТИРОКИ

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



Божхона божи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш мuddати 2024 йил 1 январгача узайтирилади

“ХИЗМАТЛАР соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида кўра, Ўзбекистонга олиб киришда қуйидаги товарлар ва транспортлар учун божхона божи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш мuddати 2024 йил 1 январгача узайтирилади:

- белгиланган рўйхат бўйича юридик шахслар томонидан, шу жумладан, лизинг шартномаси асосида олиб кириладиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари;
- нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун янги тез тиббий ёрдам автомобиллари;
- белгиланган рўйхатларга кўра тематик хибонлар, мехмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, қурилиш ва бошқа материаллар;
- ишлаб чиқарилганга 5 йилдан ортиқ бўлмаган, йўловчиларни ташинда фойдаланиладиган 8 ва ундан ортиқ ўриндиқларга эга транспортлар;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, транспорт-логистика хизматлари кўрсатишга мўлжалланган, белгиланган рўйхатлардаги омборхона ускуналари, юк ортиш-тушириш техникаси, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар;
- дор (осма) йўллари, тоғ-чанги кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш объектлар, “банжи-жампинг” ва “зиплайн” аттракционлари, бошқариладиган (дирижабль, ҳаво шари) ва бошқарилмайдиган аэроstatлар, гондолалар, “рафтинг” ва “флайбординг” учун ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар.

Ўзбекистонга олиб киришда қуйидаги товарлар 2021 йил 1 октябрдан 2024 йил 1 январгача божхона божидан озод қилинади:

- белгиланган рўйхат бўйича таълим ташкилотлари учун ўқув лаборатория ва махсус асбоб-ускуналар ва жиҳозлар;
- таққиланмаган ўйин автоматлари, видеоўйинлар учун ускуналар ва боулинг учун автоматик ускуналар;
- белгиланган рўйхат бўйича юридик шахслар томонидан, шу жумладан, лизинг шартномаси асосида олиб келинадиган янги стоматология ва косметология асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари.



Харид чекини олган фуқаролар рағбатлантирилади

“Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарорига кўра, 2022 йил 1 январдан:

- чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга ошириб, харид чекини мобил иловада рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи қайтарилади.

Бундан автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов, шунингдек, тўлов тизими операторлари орқали тўловни амалга оширганда олинган харид чекалари мустасно;

- сотиб олувчи чекларни ёки уларга тенглаштирилган хужжатларни бермасдан товарларни сотганили ва хизматлар кўрсатганили, қалбаки маркировка қўлланилганлиги ёки маркировка мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органларига махсус дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга ундирилган жариманинг 20 фоизи миқдорда мукофот тўланади;

■ тўлов тизимлари операторлари ўз тўлов тизимларини онлайн назорат-касса машиналарига мажбурий равишда улаш ва шу орқали солиқ органларининг ахборот тизимларига интеграциялашни таъминлаш талаби ўрнатилади.


2022 йил 1 январдан Махсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификациялаш кодлари акс эттирилмайдиган онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал касса чекларини тақдим этиш таққиланади.

2023 йил 1 январгача тadbirkorлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ҳамда махсус қурилмаларнинг хар бирини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин битта қурилма учун БҲМнинг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, хисобланган ва тўлашни лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинмаган солиқ ёхуд яқка тартибдаги тadbirkorлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи суммаларини камайтириш ҳуқуқи берилди.

Бурчини бажараётган шахсга қаршилик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди

Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгаришларга кўра, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

- Бундай харажатлар:
- БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима (илгари фақат 50 бараваригача);
 - 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш (илгари 1 йилгача);
 - 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (илгари 1 йилгача).



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳокимият вакилининг, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, жарима миқдорлари оширилди.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс жавобгарликдан озод этилиши мумкин

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ярашганлик муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институти киритилди.

Унга кўра, Кодекснинг бир қатор моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Хирургия марказида:

- Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси илмий лабораторияси;
- 2021/2022 ўқув йилидан Тошкент тиббиёт академиясининг Хирургия ва трансплантология кафедраси ташкил этилади.

2021 йил 1 ноябрдан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва бошқа давлат тиббиёт муассасалари раҳбарларини соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув (Healthcare Administration) йўналиши бўйича қисқа мuddатли ўқув курсларида қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўлга қўйилди.

2022/2023 ўқув йилида соғлиқни сақлаш соҳаси учун 50 нафар менежер мутахассисларни магистрлик йўналиши (Master of Healthcare Administration) бўйича давлат гранти асосида Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер ва бошқа ОТМларда тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш чоралари қўрилди.

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди

“Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорига кўра, Болалар жамоат фонди, жумладан:

- оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлайди ҳамда уларга манзилли ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш тadbirkorларини ташкил этади;
- эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болаларни бепул дори воситалари, тиббий ва протез-ортопедик буюмлар билан таъминлайди;
- жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни таълим олишларида қўмақлашadi;
- оғир ташхисли касалликлари бўлган болаларни парварши қилаётган кам таъминланган оилаларни ҳомиликка олади.


Болалар жамоат фонди солиқларнинг барча турларидан озод этилади (ижтимоий солиқ бундан мустасно).

2024 йил 1 январгача Болалар жамоат фонди томонидан тегишли рўйхатлар бўйича даволанишга муҳтож болалар учун олиб келинадиган дори воситалари, тиббиёт ускуналари ва протезлаш воситалари божхона тўловларидан (КҚС ва божхона расмийлаштируви йнгимларидан ташқари) озод қилинади.

2021 йил 1 декабрда Болалар жамоат фонди платформаси ва ягона электрон базаси фаолиятга йўлга қўйилди.

Қарорга кўра, “Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лобар РОЗИМОВА, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими



УЧУН



БЎЙИЧА НАТИЖАЛАРИ



бошлаб ишлаётган пенсионерларга пенсиялар 100 фоиз миқдорда тўлана бошлади.

Ўзбекистонда камбағалликни кискарттириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Камбағаллик даражаси 2000 йилдаги 28 фоиздан 2020 йилда 11 фоизгача кискарди. Кам таъминланган оилалар болалар боғчалари учун тўловлардан озод этилди. Кам таъминланган оилаларнинг болалари бўлган мактаб ўқувчилари мавсумий кийим билан таъминланмоқда. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари” рўйхатларига киритилган фуқаролар касбий таълим, ишга жойлаштириш ва молиявий ёрдам шаклидаги давлат кўмагини олмақда.

“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” йўналиши

Ўзбекистон биринчи марта диний масалалар бўйича “алоҳида хавотир уйғотувчи” давлатлар рўйхатида чикариб ташланди. Юртимизнинг қўшни давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалари мустаҳкамланди. Чегаралар ҳамда сув-энергетик ресурслардан фойдаланишга оид масалалар тартибга солинди.

Хозир Ўзбекистонда 86 та давлат фуқаролари учун визасиз режим амал қилади.

2016 йилда у 9 та давлат учун амал қилар эди. Республикамиз халқаро рейтингларда бир неча позицияга юқорига кўтарилди.

Юртимизнинг муҳофаа салоҳияти мустаҳкамланди. Контракт асосидаги харбий хизматчиларнинг улуши 68 фоизгача ўсди. Бу кўрсаткич 2016 йилда 37 фоиз эди. Кўшинларнинг замонавий курол-яроғ билан жиҳозланиши даражаси эса, 5 баробарга ошди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИ РУСЛАНБЕК ДАВЛЕТОВНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН: БЕШ ЙИЛ ИЧИДАГИ ЖАДАЛ ИСЛОХОТЛАР” ХАЛҚАРО АНЖУМАНИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН

“ЎЗБЕКИСТОНДА ҳукумат модернизацияси” ҳақида гап кетар экан, Ҳаракатлар стратегиясининг ушбу йўналиши бўйича сўнгги 5 йил мобайнида ҳукумат таркибига кирувчи давлат органлари фаолиятини ишонч билан “қайта юкланди” (переустановка) дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилиниб, давлат бошқаруvinинг тизимини такомиллаштиришнинг асосий 6 та йўналишлари белгиланди.

Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, давлат органларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган куйидаги 3 та муҳим қонун қабул қилинди:

- Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”-ги Қонун;
- “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун;
- “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ва улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини жорий қилиш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан:

- Очик маълумотлар шаклида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар Рўйхати тасдиқланди. Рўйхатга 33 та очикланиши мажбурий бўлган маълумотлар киритилган.

- давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиклик индекси аниқланди ва унинг натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди;

- очикликка оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди;

- хар бир идоранинг йил давомида қилган ишлари бўйича ҳисоботи веб-сайта жойлаштирилади, мутасадди шахслар тегишли маълумотни матбуот анжуманлари орқали аҳолига ахборот тақдим этиб боришади;

- жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади. Бунда жамғарма маблағлари жамоатчилик назоратининг хар қандай шакллари, шу жумладан, жамоатчилик эшитувчи, жамоатчилик кенгашлари фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади.

Шу билан бирга:

— номарказлаштириш жараёни орқали ҳокимликларнинг 26 та республика даражасидаги функциялари тегишли ҳудудий давлат бошқаруви органлари ва ҳокимликларга ўтказилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва самарали тизим жорий этилди. Хусусан, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи алоҳида давлат органи — Давлат хизматлари агентлиги ҳамда давлат хизматлари марказлари ва уларнинг 115 та филиаллари ташкил этилди.

150 дан ортик давлат хизматлари “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматлари марказлари томонидан тақдим этиш тизими йўлга қўйилди, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сони 70 бараварга ортки. Тахлилларга таянган бўлсак, бир йилда ўртача 12 миллион хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, экстерриториал хизмат кўрсатишда 18 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинди.

2017 йилдан буён республиканинг барча ҳудудларида фаолияти йўлга қўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналари аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш, жойларда юзага келаятган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, амалиётда учраётган камчиликларни бартараф этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Фақат 2017 йил ҳисобидан Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналарига жисмоний ва юридик шахслардан 1,4 миллиондан ортик мурожаат келиб тушган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 1,2 миллионни ташкил этди.

Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этишга масъул бўлган ягона давлат ор-

гани — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Бундан ташқари, ходимларни давлат хизматига қабул қилишда сифат таркибин таҳлил қилиш, шунингдек, очик ва шаффоф танловларни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, ягона дарча тамойили асосида онлайн режимда ишлайдиган “Давлат фуқаролик хизматчилари бўш иш ўринлари ягона портали” — vacancy.args.uz ишга туширилди. Айни пайтда ушбу порталга 44 вазирлик ва идора, 10 вилоят ва 190 туман (шаҳар) ҳокимликлари уланган.

Электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва ушбу соҳада узок муддатта мўлжалланган кенг қўламли чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадида “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинди.

Давлат-ҳокимият ваколатлари берилган ва самарасиз деб топишган 110 та идоралараро коллегиял органларнинг фаолияти тугатилди.

Давлатнинг иқтисодийдаги иштироки даражасини кискарттириш мақсадида давлат функцияларини хусусий сектор субъектларига ўтказиш бўйича ҳуқуқий механизм яратилди. Унга кўра, 2021 йилдан бошлаб 6 та давлат функциялари хусусий секторга ўтказилди ҳамда бу йўналишда ҳаракатлар давом этмоқда.

Давлат органларининг тартибга солиш функциялари тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, 2021 йил 1 январдан бошлаб 16 та лицензияланган фаолият турлари ва 10 та рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинди. 45 та лицензияланган фаолият турлари ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бирлаштириш йўли билан бекор қилинмоқда.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини, шунингдек, “Ҳуқуқ устуворлиги” индекси бўйича худудларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашнинг рейтинг тартибиде баҳолаш тизимлари жорий этилди.

Шунингдек, “Очик бюджет” портали ишга туширилди. Порталда ҳозирда 12 миңдан ортик маълумотлар очикланган.

Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали тубдан такомиллаштирилди. Эндиликда, порталда 150 дан ортик давлат органлари ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги 8,4 миңта очик турдаги ахборот мавжуд бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар 19 та соҳадаги ахборотдан тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда портал фойдаланувчилари сони 7 миллион 700 миңдан ошган. Шунингдек, 2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.


Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими — “Е-raqor” жорий қилинди. Ушбу тизим орқали бугунги кунга қадар 5000 га яқин маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишлари белгиланган тартибда келишиди, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва қабул қилинди.

Хар бир давлат органи, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан ташкил топган жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида давлат бошқаруви органларининг ваколатида ходимлари ҳисоботларини эшитиш бўйича “Ҳукумат соати” тизими жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти хар чорак якуни бўйича коллегиял орган йиғилишида танқидий муҳомаа қилинади ҳамда баҳоланади. Бундан асосий мақсад — вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқаруvinинг бошқа органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, вазифалари ва ваколатларини аниқ белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсади вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари орқали баҳолашнинг янги тизимини жорий этиш.


Маърузам якунида ушбу халқаро анжуман иштирокчиларини яна бир бор қутлаган ҳолда, шунини таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу майдон ўзаро фикр алмашиш ва тажриба орттириш воситаси сифатида хизмат қилади. Умид қиламанки, шу каби нуфузли тадбирлар мамлакатимиз довлрининг дунё ҳамжамияти нигоҳида омишига замин яратди ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизнинг навбатдаги муҳим босқичи сифатида тарихда қолади.



Сайлов — 2021

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнаlining навбатдаги учинчи сони мамлакатимизда 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловига бағишланган.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — КЕЛАЖАК ТАНЛОВИ



Журналда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси З.Низомхўжаевнинг "Президент сайлови: демократик ислохотларнинг мантқиқий давоми" мақоласи эълон қилинган. Унда 2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан кейин мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, халқаро сайлов стандартларига тўла жавоб берадиган янги Сайлов кодекси қабул қилинишининг аҳамияти, барча фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва самарали механизмлари тўла шакллантирилганлиги, бу галги Президент сайлови очик ва ошқора, демократик тарзда кўп сонли халқаро ташкилотлар ва хорижий кузатувчилар миссияларининг иштирокида ўтказилиши батафсил баён этилган.

Мамлакатимиздаги сиёсий патиялар раҳбарлари — А.Хаитов (ЎзЛиДеП), А.Қодиров ("Миллий тикланиш"), Б.Абдухалимов ("Адолат"), Н.Обломуродов ("Экология"), У.Иноятов (ХДП) журналхонларни Президентликка ўз номзодларининг сайлов дастурлари билан таништирганлар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик А.Саидовнинг Янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тараққиётининг асосий босқичлари, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Саифназаровнинг Президент сайловини қонунчилик, шаффофлик ва ошқоралик асосида ўтказиш, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзоянинг сўз эркинлиги ва сайлов ҳуқуқининг халқаро ўлчамларга мутаносиблиги ҳақидаги мақолалари эълон қилинган.

Журналда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари С.Мамаюсупов ўзлари оталиққа олган "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ҳар томонлама ёрдам ҳақида баён этган.

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари"нинг ушбу сониди, шунингдек, олимларнинг тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, Орол денгизининг халқаро ҳуқуқий мақоми, коррупцияга қарши кураш, "Халоллик вақтинаси" иктимой-иқтисодий тараққиётнинг муҳим воситаси эканлиги, ҳомийлик ва меценатликнинг ривожланиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда китобхонликнинг роли ва бошқа мавзуларда илмий мақолалар эълон қилинган.

Э.ЭРНАЗАРОВ



КўнгиЛ Ободлиги шу-да ёхуд Каттақўргон шаҳар ҳокимлигининг ибратли ташаббуси хусусида

ЯХШИ гапнинг қаноти бор, дейди доно халқимиз. Яқинда кундалик юмушларим билан Каттақўргон шаҳрига боргандим. Қўлим бўшагач, бироз хордиқ чиқариш учун марказдаги оталар чойхонасига кирдим.

Ўша ерда бир неча йиллар халқ таълими тизимида ишлаган меҳнат фахрийси Асад Ҳайдаров билан суҳбатлашиб қолдим.

— Ҳокимимиз барака топсин, отасига раҳмат. Аёл боши билан кўндан-кўп хайрли ишлар қилаяпти. Қаранг, ишга келганига ҳали икки йил бўлмасдан шаҳрни гуллашиб юборди. Ҳаммасидан ҳам Янги марказ массивини айтмайсизми! Пойтахт кўчаларидан айтишчи, тўрт-беш йилдан буён фойдаланилмаётган туғуруқхонада катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётган экан.

— Сиз янгликни эшитмадингизми дейман? — дейди яна бир меҳнат фахрийси Шавкат Турдиев. — Шаҳар аҳлининг айтишича, тўрт-беш йилдан буён фойдаланилмаётган туғуруқхонада катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётган экан.

Дарҳақиқат, сўнгги пайтда Каттақўргон шаҳри кун сайин чирой очиб, обод гўшага айланиб бормоқда.

— Каттақўргон Самақанддан кейинги иккинчи ўринда турадиган, саноати ривожланган шаҳар ҳисобланади, — дейди шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гавҳар Алимова. — Шу боис, ҳозир шаҳарни янада ободонлаштириш, уни мукамал таъмирлаш ва қурилиш ўрасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳар халқ таълими ва мактабгача таълим бўлиmlарининг янги бинолари қурилди. Яқинда улар фойдаланишга топширилади. Электр таъминотида кўп узилгиш кузатиладиган маҳаллаларга 7 та янги трансформатор ва 210 донга бетон таянч устунлари ўрнатилди, 15 донга тарнформатор эса, мукамал таъмирланди. "Оқ олтин", Фирдавсий, Амир Темуру маҳаллалари ҳамда "Ўзбекистон" кўчасида тоза ичимлик суви муаммоси ҳал этилди.

Бундан ташқари, "Зиёлар" маҳалласи ва Усмон Носир кўчаларига 700 метр, "Қордарё" кўчасига эса, 200 метр янги ичимлик суви қувури тортилган. "Ўзбекистон" кўчасидаги 39-кўп қаватли уй марказий оқова тар-

моғига уланган. "Муртак-Кўрна" сув тизими иншоотлари қувватини ошириш учун беш донга янги насос ўрнатилган. Бу ишларнинг барчаси одамларнинг фаровон яшаши ва яхши турмуш кечириши учун қилинмоқда. Бу ҳам бўлса, муҳтарам Ўртбошимизнинг камбағалликни қисқартириш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлаш учун қабул қилган бир қатор халқчил қарорлари самарасидир. Айниқса, "Аёллар дафтари"да турган хотин-қизларни боқимандалик кайфиятидан чиқариш, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағалликни қисқартириш, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенглик борасидаги ишлар эътирофга лойиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг ўтган даврида 1000 нафардан ортиқ хотин-қизлар ишга жойлаштирилди, 50 нафардан зиёд опа-сингилларимизга эса давлат томонидан субсидия ажратилиб, иссиқхоналар қуриб берилди. Яна 100 нафар аёл уч ойлик қисқа муддатли ўқув курсларида турли касбларга қайта ўқитилди ва иш билан таъминланди. 300 нафардан ортиқ хотин-қизлар эса, бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Агар шаҳарнинг "Қозоқову" массивига борсангиз, ўн икки қаватли турар жой бинолари қурилиб, кам таъминланган оилаларга берилганига гувоҳ бўласиз. Қолаверса, бир неча йиллардан буён катта майдонни эгаллаётган 2 қаватли эски туғуруқ уйи биноси шаҳар ҳокимлиги ташаббуси ва тадбиркорлар ҳомийлигида капитал таъмирланиб, уй-рўзгор анжомлари билан жиҳозланиб, "Аёллар дафтари"га киритилган, ногиронлиги бўлган чин етимларнинг 27 нафарига ижара ҳуқуқи асосида берилди. Туғуруқ уйи биносининг яна бир қисмида Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи каттақўргонлик тадбиркор йигит янги тикувчилик цехини ташкил этиб, 50 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади.

— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Танзила Норбоева шаҳримизга келиб, амалга оширилаётган хайрли ишлардан мамнун бўлди, — дея сўзини давом эттиради Г.Алимова.

Кези келганда, шаҳар маҳалла ва



Гавҳар АЛИМОВА,
Каттақўргон шаҳар ҳокими

оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Шахло Кўчқорованинг юқорида тилга олинган туғуруқ уйидаги эзгу ишларга бош-қош бўлганини ҳам эътироф этиш ўринли.

— Уй-жойим йўқлиги туфайли, 2 нафар фарзандим билан ижарада яшардим. Ўз уйинг бўлмагандан кейин бировнинг қош-қовоғига қараб яшаш жуда оғир бўлар экан. Болаларим ҳам яйраб ўйнашолмасди, — дейди "Ғариб масжид" маҳалласида яшовчи Зиёда Рўзиева. — Яратганг шукурлар бўлсинки, шаҳар ҳокимлигининг амалий ёрдами билан уйли бўлдик. Бунинг устига тикувчилик цехига ишга жойлаштиришди. Насиб этса, ишлаб, ҳалол меҳнатим билан ижара ҳақини тўлайман.

— Мен ҳам икки нафар фарзандим билан ижарада яшаб, ишсиз аёллар рўйхатида турар эдим, — дея сўхбатга қўшилиди фуқаро Нафосат Ҳамроева. — Аввало Ўртбошимизга минг раҳмат. У киши биз каби қийналган аёлларнинг кўнглини олиш борасида жуда кўп хайрли ишларни қилаяптилар, умрлари узок бўлсин.

Ҳа, республикаимизда санокли бўлган ҳоким аёллардан бири — Каттақўргон шаҳар ҳокими Гавҳар Алимованинг бугунги хайрли ишлари таҳсинга лойиқ. Бундай эзгуликлар шаҳар аҳлининг кайфиятини кўтариб, уларни ҳаётдан рози бўлиб яшашларига бош омил бўлмоқда.

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг тегишли буйруғига асосан, "ADOLAT NI MOYA HUQUQI" адвокатлик бюроси адвокати Тангматов Олимжон Каримовичга бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000057-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди. ***

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 99-А-ум-сонли буйруғига асосан, "Buriyeva Shaxlo Advokatlicion" адвокатлик бюроси адвокати Буриева Шахло Уктамовнанинг Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи TS 000143 рақамли лицензия ва адвокатлик мақоми Нурафшон

туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 10 августдаги ҳал қилув қарорига асосан 1 (бир) ойга тўхтатилади. ***

2007 йилда 2-Республика тиббиёт коллежи томонидан "Ҳамширалик иши" йўналиши бўйича Эйвазов Бахтияр Фамилович номига берилган №857264-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



КОРАКАЛПОГИСТОН

ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ БОШЛИГИ ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

БЕРУНИЙ туман тиббиёт бирлашмасида ишловчи ходим М.М. 25 кун муддатга хизмат сафарига юборилган. Аммо хизмат сафари учун тўлов тўлиқ тўлаб берилмаган. Туман адлия бўлимига мурожаат қилган тиббиёт ходими мазкур масалани амалий ёрдам сўраган.

Ўрганиш жараёнида тиббиёт ходими ҳақиқатан ҳам тиббиёт бирлашмаси бошлигининг тегишли буйруғига асосан 25 кун муддатга хизмат сафарига юборилганлиги, ходим томонидан хизмат сафарига бўлганлиги буйича сафар гувоҳномаси, йўл ҳақи миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинганлиги, ходимга хизмат сафарига бориш ва келишга сарфланган йўл ҳақи учун 30 минг сўм, кунлик харажатлари учун 557 минг 500 сўм жами 587 минг 500 сўм ногўғри ҳисобланиб, у ҳам икки ойга кечиктириб тўлаб берилганлиги аниқланди.

Харажатлар 2021 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида базавий ҳисоблаш миқдори 245 минг сўм этиб белгиланганлиги эътиборга олинмасдан, олдинги базавий ҳисоблаш миқдори билан ҳисобланган.

Меҳнат кодексининг 171-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида”ги Йўриқноманинг 9-бандига асосан, хизмат сафарига юборилган ходимга турар жой ижараси, хизмат сафари жойига бориш ва иш жойига қайтиш харажатлари қопланади, кундалик харажатлар тўланади.

Лекин, хизмат сафарига юборилган ходим М.М.га бирлашма томонидан турар жой ижараси харажатлари ҳисобланмаган ва тўлаб берилмаган. Ваҳоланки, Йўриқноманинг 15-бандига хизмат сафарига юбориладиган ходимга хизмат сафарига кетишдан олдин мазкур Йўриқноманинг 10-12-бандларида кўзда тутилган миқдорда кундалик, йўл харажатлари, турар жойини ижарга олиш харажати чегарасида пул қўринишидаги аванс тўланади, деб белгиланган.

Мазкур тартибдан келиб чиқиб, адлия бўлими томонидан Беруний туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари номига тақдимнома киритилиб, ариза муаллифига 1 миллион 280 минг сўм миқдорда хизмат сафари харажати пули тўланиши таъминланди ва хатога йўл қўйган масъул ходимга нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди. Шунингдек, адлия бўлимининг туман Аҳоли бандлигига қўмақлашиш марказига берган маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифига кўра, тиббиёт бирлашмаси бошлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси 1-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдоридан беш баравари миқдорда жаримага тортилди.

Салтанат РАЙМБЕКОВА, Беруний тумани адлия бўлими бошлиги



ТОШКЕНТ

ЎҚИТУВЧИ АДЛИЯ БЎЛИМИДАН ЁРДАМ СЎРАДИ

Ўрганиш жараёнида Ш.Эргашева мазкур мактаб директорининг 2020 йил 26 августдаги буйруғига биноан инглиз тили фани ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилиниб, меҳнат шартномаси расмийлаштирилган.

Мактаб директорининг 2021 йил 7 июндаги буйруғига биноан эса ўқитувчи билан тузилган меҳнат шартномаси ҳеч қандай сабабсиз бекор қилинган.

Энг қизиғи, у ишдан бўшатирилганда меҳнат таътилида бўлган. Чунки мактаб директорининг 2021 йил 26 майдаги “меҳнат таътилига чиқиш тўғрисида”ги буйруғига асосан 2021 йил 1 июндан 2021 йил 27 июлга қадар йиллик асосий меҳнат таътилига чиқарилган.

Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан ариза берган кундан бошлаб 14 кунлик оғоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарақсини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Ходим 14 кунлик оғоҳлантириш муддати давомида берган аризасини қайтариб олишга ҳақлидир.


Агар оғоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотди, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 152-моддасига кўра, жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Демак, ҳар икки ҳолатда ҳам меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда “меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида”ги буйруққа ходимнинг аризаси асос ҳисобланади. Ўрганиш жараёнида Ш.Эргашеванинг ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси мавжуд эмаслиги аён бўлди.

Адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномага кўра, мактаб директорининг буйруғи бекор қилиниб, Ш.Эргашева аввалги лавозимига тикланди ҳамда унга маъмурий прогул учун иш ҳақи тўлаб берилди.

Ўрол НОРМУРДОВ, Олмазор туман адлия бўлими стажчи маслаҳатчиси



НАМАНГАН

ДАВЛАТОБОД туман адлия бўлимига тумандаги 31 ва 57-сонли давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг бир гуруҳ ходимларидан мурожаат келиб тушди. Унда ходимлар лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўлаб берилмаганлигидан норози бўлишган.



ҚЎШИМЧА ҲАҚ БИР ЙИЛДАН СЎНГ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Айни мурожаатни ўрганиш натижасида шу нарса аён бўлдики, ҳар иккала давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг 132 нафар ходимига 2020 йил май ва июнь ойларида ойлик маошларига қўшимча ҳақ тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан 2019 йил 1 июндан бошлаб давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланиши, 2019 йил 1 сентябрдан эса давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ёрдамчиларининг, шунингдек, қўшма тилдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ўсишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда ишлайдиган тарбиячилар, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимлари ёрдамчиларининг лавозим маошлари ҳамда базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, туман адлия бўлими томонидан туман мактабгача таълим бўлими раҳбари номига тақдимнома киритилди. Натижада 2021 йил 21 сентябрь кунги мурожаат муаллифларига 223 миллион 549 минг 146 сўм қўшимча пул маблағи тўлаб берилди.

Музаффар ҚИРҒИЗОВ, Давлатобод туман адлия бўлими бошлиги



СУРХОНДАРЁ

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ТАЪТИЛ ПУЛИ НЕГА ТЎЛАБ БЕРИЛМАДИ?

ШЎРЧИ туман адлия бўлими томонидан тумандаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Н.Эгамбердиева ва бир гуруҳ педагогларнинг навбатдаги меҳнат таътилига чиққан бўлишига қарамасдан, таътил ҳақлари тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Мурожаатни ўрганишда маълум бўлишича, тумандаги 1, 23 ва 47-сонли умумтаълим мактабларидаги 14 нафар ўқитувчи 2021 йилининг 1 июлидан меҳнат таътилига чиққан ва уларга жами 63 миллион 443 минг 503 сўм меҳнат таътили ҳақлари тўланиши лозим бўлса-да, ушбу маблағлар тўланмасдан келинган.

Туман адлия бўлимининг талабномасига туман халқ таълими бўлими томонидан 2021 йил 30 июлда берилган жавоб хатида тизимда таътилга чиққан 4 минг 138 нафар ўқитувчидан 4 минг 124 нафарига меҳнат таътили пуллари тўлаб берилганлиги, қолган 14 нафар ўқитувчига эса, таътил пуллари ҳисобланган бўлсада, харажат сметасида маблағ етишмаганлиги сабабли тўланмасдан турганлиги маълум қилинган.

Меҳнат кодексининг 148-моддасида эса, таътиллار учун ҳақ тўлаш белгиланган бўлиб, унда йиллик таътиллари даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланиши, таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириг иш кунидан кечикмай амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, ўқитувчиларга кечиккан меҳнат таътили пуллари тўлаб берилди.

Шерзод ИШБОВ, Шўрчи туман адлия бўлими бошлиги



ЖИЗЗАХ ФУҚАРО АСОССИЗ ҚАРЗДОРЛИКДАН ҚУТИЛДИ

БАХМАЛ туманидаги “Новқа” маҳалласида яшовчи фуқаро И.К. туман “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси филиали томонидан асоссиз қарздорлик ҳисобланганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Мазкур мурожаат тегишли тартибда ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида туман адлия бўлими аралашуви билан мурожаат муаллифи И.К.га нисбатан филиал томонидан “Биллинг” базасидаги норасул асоссиз ҳисобланган 200 минг сўм қарздорлик бартараф этилди. Мазкур мурожаат қаноатлантирилиб, “Тоза ҳудуд” ДУК туман филиалига оғохнома таъсир чораси қўлланилди.

Меҳнат кодексининг 148-моддасида эса, таътиллари даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланиши, таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириг иш кунидан кечикмай амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Набижон ҚОДИРОВ, Бахмал туман адлия бўлими бошлиги

Инсон ва Қонун. МУАССИС: ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРИЛИГИ. 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0084-рақам билан рўйхатга олинган. *Адолат* миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри. info@adolatmarkazi.uz

Бош муҳаррир. Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Тошқов Ахбар Жўрабоевич, Рабиев Шерзод Миржалипович, Тоқиев Фураҳт Шомуродович, Искандаров Ёрбек Нурбекович, Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Хуршид Султонов, Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тоқибоев

Нашр индекси: 137. “ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида тёринди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уюмда чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тиражи — 4000. Буюртма — V-4874

Топшириш вақти — 19:00. Топшириш — 20:00

Манзил: 100 115, Тошкент ш. Чилонор кўчаси-29. Факс: (0371) 277-02-97. Обуна бўлими: 277-02-57. Баҳоуси келишилган нархда

1 2 3 4 5

